

«Хаж-2019» мавсуми Саудиянинг «Ал-Рида» ва «Ал-Жазира нашрлари нигоҳида

قال: نتطلع للمشاركة في مبادرة «طريق مكة» سفير أوزبكستان: جهود جبارة تبذلها حكومة خادم الحرمين لراحة الحجاج



حجاج من أوزبكستان



السفير الأوزبكي

شؤونهم وكل ما يتعلق ببعثة الحج من أوزبكستان.

وقال السفير مقصودوف إن رئيس جمهورية أوزبكستان شوكت مرزيايف وجّه بتقديم كل التسهيلات لتهيئة الظروف المواتية لحجاج أوزبكستان، بما في ذلك تخفيض تكلفة الحج. وقد تم عقد اجتماع في يناير الفائت بين معالي وزير الحج والعمرة الدكتور محمد صالح بن طاهر بنتن ووفد من أوزبكستان، ضم ممثلين عن المجلس العام لتنظيم الحج والعمرة، ووزارة الشؤون الدينية وإدارة مسلمي أوزبكستان، وتمت مناقشة جميع القضايا المتعلقة بالقواعد، والجدول الزمني لحركة الحجاج من أوزبكستان، وتم توقيع اتفاقية الحج بين جمهورية أوزبكستان والمملكة العربية السعودية.

وأثنى سفير جمهورية أوزبكستان في الرياض على مبادرة «طريق مكة» لموسم الحج 2019 التي تخدم أكثر من 225000 حاج من إندونيسيا وماليزيا وباكستان وبنغلاديش وتونس. مؤكداً أنه سيكون من المناسب النظر في المستقبل لتنفيذ هذه المبادرة في مطارات أوزبكستان، خدمة للحجاج من جمهورية أوزبكستان، وتسهلاً عليهم لأداء مناسك الحج.

«الجزيرة» - سعد المصباح

عبّر سفير جمهورية أوزبكستان في الرياض أولوغبيك مقصودوف عن شكره وتقديره لاهتمام حكومة خادم الحرمين الشريفين بحجاج بيت الله الحرام، وحجاج جمهورية أوزبكستان خاصة.

ونوه السفير في تصريح إلى «الجزيرة» بالجهود الجبارة التي تبذلها المملكة العربية السعودية بقيادة خادم الحرمين الشريفين الملك سلمان بن عبد العزيز وسمو ولي العهد لتهيئة الخدمات كافة لضمان راحة وطمانينة الحجاج، وحرصها على التيسير على ضيوف الرحمن ليتمكنوا من أداء مناسكهم بكل يسر وسهولة وأمان. مؤكداً أن أول مجموعة من حجاج أوزبكستان وصلت يوم 24 يوليو، وسيستمر وصول باقي المجموعات حتى يوم 3 أغسطس القادم عبر طشقند - المدينة المنورة، بخارى - المدينة المنورة، نامانجان - المدينة المنورة، سمرقند - المدينة المنورة، كرشي - المدينة المنورة، أورغانيش - المدينة المنورة، ونوكوس - المدينة المنورة؛ إذ تتولى القنصلية العامة لجمهورية أوزبكستان في جدة بالتعاون مع الشركة السعودية «الهداية» متابعة

Саудия Арабистонининг етакчи » газеталари Ўзбекистон вакилларининг «Ҳаж-2019» мавсумидаги иштироки ҳақида мақола эълон қилди. Бу ҳақда Дин ишлари бўйича қўмита матбуот хизмати хабар беради.

Мақолада Ўзбекистонда ҳаж ва умра зиёратларининг ташкилий ишлари мамлакат Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида амалга оширилаётгани таъкидланган. Муаллиф Ўзбекистон ҳаж ва умра тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши, Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакилларида ташкил топган делегация 2019 йил январ ойида Саудия Арабистони ҳаж ишлари вазири Муҳаммад Солиҳ Бинтен билан учрашиб, музокаралар ўтказгани ҳақида ёзган.

“Мазкур учрашувда Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасида Ҳаж шартномаси имзоланди ва ҳаж тартиботлари ва жадвали бўйича Ўзбекистон ҳожиларини ҳаракатланиши юзасидан барча масалалар муҳокама этилди”, деб маълум қилган Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатдаги элчиси Улуғбек Мақсудов нашрларга берган интервьюда.

Ҳаж вазири М.Бинтен мамлакатимиз вакиллари билан мулоқотда Ўзбекистон томонидан барча ташкилий ишлар ўз вақтида ва бекаму-кўст ҳал қилинаётганини эътироф этган.

Бу йилги мавсумда ўзбекистонлик 7 минг 200 нафар зиёратчи Саудия Арабистонига келиб, муборак ҳаж сафари амалларини бажаришмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан зиёратчилар учун муносиб шарт-шароит яратиш, ҳаж харажатларини янада арзонлаштириш борасида амалга оширилган чоратадбирлар юртдошларимизни чексиз қувонтирди, - дейди мамлакатимиз элчиси саудиялик мухбирларга. - Ҳаж сафари билан боғлиқ ташкилий ишлар йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Масалан, илгари ҳожиларимиз икки ва уч юлдузли меҳмонхоналарда яшаган бўлса, 2019 йилда Мадина шаҳридаги 5 юлдузли “Пуллман Замзам” меҳмонхонаси, Макка шаҳридаги 4 юлдузли “Абраж ал-Ҳидая” меҳмонхонаси ижарага олинди. Бу эса зиёратчиларимиз бор диққат-эътиборини ибодат қилишга қаратишида яна бир муҳим омил бўлмоқда”.

Саудия Арабистони нашрлари журналистлари ўзбекистонлик зиёратчиларни кутиб олиш, кузатиш ва уларга қулай шарт-шароит яратиш

ишлари махсус ишчи гуруҳи, Ўзбекистоннинг Жидда шаҳридаги Бош консулхонаси ва Саудиянинг “Ал-Ҳидая” ширкати ҳамкорлигида ташкил этилаётганини хабар қилган.

Мақолада Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мамлакатимиз вакилларининг ҳаж ва умра зиёратларини мукамал бажаришини ташкил қилиш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида батафсил маълумот берилган.

Islom.uz портали таҳририяти